O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 25 январь, № 16 (3561) Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.***

Мажлисда, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2005 йил 17-20 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

Сенат таркибида жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намояндалари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган таниқли фермер хўжаликлари раҳбарларидир.

Сайланган сенаторларнинг 20 фоиздан ортиғи — таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари. Улар, аввало, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва мамлакат ижтимоий соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича асосий вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи таълим муассасалари, яъни коллеж ва лицейлар раҳбарлари ҳисобланади. Сенаторлар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

Мамлакатимиз саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этади. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши, фуқароларимиз фаровонлигини юксалтириш суръатларини белгиловчи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари вакилларидан иборат.

Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

Сенаторлар орасида етти миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фоизи — ўзбеклар, 11 фоизи — қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қозоқлар, украинлар, корейслар.

Сенатда ҳудудий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг мамлакатимизда обрў қозонган, таниқли раҳбарлари ҳам бор.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида, очиқ ва ошкора ўтгани, қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмагани алоҳида таъкидланди.

Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатнинг 16 нафар аъзосини тайинлаш тўғрисидаги Фармони газетамизнинг 1 ва 2-бетларида эълон қилинмоқда.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига таaллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини чақириш тўғрисида

*"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунларга, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини шу йил 27-28 январь кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ташкилий масалаларни, сиёсий партиялар фракцияларини ва депутатлар гуруҳларини рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссияларини шакллантириш масалаларини палаталарнинг биринчи мажлислари кун тартибига киритиш таклиф этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси** **Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:*

**Орипов Абдулла** — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

**Воҳидов Эркин Воҳидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

**Йўлдошев Беҳзод Содиқович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институти директори

**Кучерский Николай Иванович** — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

**Иномова Светлана Турсуновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Убайдуллаев Ботир Ҳусанович** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси

**Боқибоев Эркин Жўраевич** — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раиси

**Шарифхўжаев Мурод** — Тошкент молия институти ректори

**Усмонов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна** — Тошкент юридик институти "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси профессори вазифасини бажарувчи

**Кучеров Вадим Петрович** — "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" акциядорлик жамияти бош директори

**Муҳиддинова Фарруҳа Фахриддиновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

**Раҳмонқулов Миракбар Ҳожиакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

**Худайбергенов Турсинхан Айдарович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси

**Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январь.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Қутлуғ Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий, биродарлик табрикларимни изҳор этишдан ғоятда мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳ азза ва жалладан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, ислом умматига қут-барака ва осойишталик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу истак ва юксак эҳтиром ила,

Биродарингиз

**Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига сидқидилдан дўстона эзгу истакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу қутлуғ айёмда Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва осойишталик, мусулмон умматига бардавом тинчлик ва барқарорлик тилайман.

Эзгу истак ва эҳтиром ила,

Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия қўмондони.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Парвардигори оламга тоат-ибодат қилишнинг энг гўзал ва олий тимсоли бўлган кун — қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини самимий муборакбод этаман.

Ушбу муборак байрам шарофати билан мусулмонлар иттифоқининг кун сайин мустаҳкамланиб бориши, куррайи заминда жанг, зулм-ситам, таҳқирлаш ва қашшоқлик барҳам топишининг гувоҳи бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз Жаноби Олийларига муваффақият, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб қоламан.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом уммати муборак Ийд ал-Адҳони нишонлаётган дамларда Сиз Жаноби Олийларига Тунис ҳукумати, халқи ва ўз номимдан энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунлигимни изҳор этаман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳдан бундай муборак муносабатларни барчамизга эзгулик ва хурсандчилик, ислом умматига равнақ ва осойишталик ила такрор этишини сўраб қоламан.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

**Шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Татаристон Республикаси Президенти Минтимир Шаймиев, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири Султон бин Абдулазиз Ол Сауд, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.**



*Ўзбекистоннинг янги асри экологик ҳалокат исканжасида қолган Мўйноққа тараққиёт эпкинларини олиб келди. Мўйноқ яқинидаги Учсой мавзесида Шарқий Бердақ газ конининг очилиши наинки Қорақалпоғистон, балки Ўзбекистон геологияси тарихида янги саҳифа бўлди. Айни пайтда бу ерда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси "Устюртгаз" унитар шўъба корхонасининг табиий газ тайёрлаб бериш қурилмаси вужудга келди. Мазкур қурилма "Бухоро-Урал" қитъалараро қувурига улангач, Мўйноқнинг миллион-миллион кубометр табиий гази ва қимматбаҳо конденсати мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

**СУРАТДА: Шарқий Бердақ газ тақсимлаш мажмуаси операторлари Илҳом Рейимов ва Шавкат Камолов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, СЕНАТОРЛАР!

***Ажойиб кунларни бошимиздан кечиряпмиз. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн тўртинчи йилида она тарих икки палатали парламент деб аталган оламшумул воқеани зарҳал ҳарфларда муҳрламоқда.***

Дунёнинг энг пешқадам, энг ривожланган мамлакатлари татбиқ этган бу тизимга Ўзбекистон шунчаки ҳавас қилиб ўтаётгани йўқ. Бундай қадам учун шунча даврдан иборат мустақил турмуш, ўн йиллик муддатни ўз ичига олган янгиланган парламент фаолияти зарур бўлди. 2002 йилнинг бошида халқимиз икки палатали парламентга оқ фотиҳа берди. Умумхалқ референдуми қароридан келиб чиқиб янги қонунлар яратилди, Конституциямизга ўзгартишлар киритилди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳаётимизнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришиш учун мукаммал қонунлар зарурлигини англаб етди. Ҳар жиҳатдан пухта заминга таянган, келажак уфқларини қамраб олган қонун эса икки палатали парламентда ишлаб чиқилади.

Маълумки, биз аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказдик. Қуйи палатанинг 120 нафар депутати аниқлангандан сўнг мамлакатимизнинг барча ҳудудлари — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятларда сенаторлар сайлови ўтказилди. Айнан минтақалардан Сенатга кимларни вакил қилиб юбориш масаласини ўша ҳудудда сайланган барча маҳаллий Кенгаш депутатлари қўшма мажлисларда ҳал қилишди. Соддароқ тушунтиришга ҳаракат қилсак, айтайлик, Навоий вилоятидан вакил бўлган сенаторларга Учқудуқ тумани Кенгашига сайланган депутатларнинг фикри ҳам ҳисобга олинди. Пировардида Сенат аъзолари бутун халқнинг ваколатини олди.

**Ифтихор**

Парламентнинг юқори палатасига вакил сайлаш демократиянинг янги қирраларини намоён этганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Айни пайтда қонун ижодкорлигининг янгича фаолият кўринишлари келгусида тобора ёркинроқ ифода топади. Қуйи палата депутатлари доимий равишда қонун яратиш ишини касб қилиб олишса, сенаторлар қонунда белгиланган муддатларда ҳуқуқий ҳужжатни пишитиш жараёнида қатнашадилар.

Сенаторларнинг қонун матнини баҳолашда муайян мезонлари бор, албатта. Шулардан бири ўзлари вакил бўлган минтақа манфаатларидир. Маълумки, Ўзбекистон табиий-иқлим шароитлари, анъана ва удумларига кўра турли минтақалардан иборат. Айтайлик, мамлакатимиз пойтахтида бир неча йил истиқомат қилган одам Қашқадарёнинг Чироқчи туманидаги ҳаёт тарзидан бехабар бўлиши мумкин. Нафақат водий ва воҳалар, ҳатто ёнма-ён жойлашган вилоятлар ҳам бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларга эга. Масалан, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳудуди бир-бирига туташ. Лекин иккала вилоятга бир хил мезонда ёндошиб бўладими? Йўқ, албатта. Минтақаларнинг фарқланувчи жиҳатлари ҳақида сўз кетганда, фермерлик ҳаракатини жорий этиш масаласи муҳокамасида билдирилган мулоҳазалар кўнглимиздан кечади. Мазкур масаланинг ҳуқуқий заминини белгилаш чоғида айрим мутахассислар ҳар бир фермер хўжалигига аниқ миқдорда экин майдони белгилашни таклиф қилишганди. Юртбошимиз ҳамма минтақа учун ягона меъёр бўлмаслиги, ҳар жойнинг ўзидан келиб чиқиш лозимлигини таъкидлаганларида кўпчилик бу ҳаётий фикрга қўшилганди.

Сенатор кўнглидан жой олган яна бир ният — нафақат ўз ҳудуди манфаати, айни пайтда Ўзбекистон манфаати устувор бўлишидадир.

Маълумки, ҳар бир ҳудуддан тенг миқдорда — 6 нафардан сенатор сайланди. Агар Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар сонига қараб белгиланса, Сенат аъзолари маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга кўра вакил этилгандир. Барча минтақага бирдай ўрин берилиши, уларнинг ҳудуди ёки аҳоли сонидан қатъий назар, тенг мақомга эгалигини билдиради. Шундай қилиб, ўн тўртта ҳудуддан олтитадан 84 та, Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган 16 нафар сенатор биргаликда 100 кишини ташкил этади.

Ҳозирдан айтишимиз мумкинки, сенаторлар халқимиз орасида катта нуфузга эга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, фидойи меҳнати билан эл назарига тушган юртдошларимиздир. Уларнинг қалбидан, нигоҳидан ўтган қонунлар Ўзбекистонни нурли йўлларга бошлаши муқаррар. Тарихий кунлар бошида эзгу ният билан айтамиз: қадамингиз қутлуғ келсин, сенаторлар!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

***Жорий йилнинг 29-30 январь кунлари Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов халқаро турнири бўлиб ўтади.***

## Грецияда ўзбек кураши

Мукофот жамғармаси 10 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан келган полвонлар мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқадилар. Беллашувнинг Грецияда ўтказилаётгани бежиз эмас. Зотан, ушбу давлат Олимпиада ўйинлари ватани ҳисобланади. Ажабмас, жорий йилда ўзбек кураши Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олса.

Ўзбекистон миллий кураш федерацияси матбуот хизматидан олинган хабарларга қараганда, халқаро турнирда Абдулла Тангриев, Фарҳод Жўллиев, Давлат Чориев ва Улуғбек Исмоилов сингари номдор полвонларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Полвонларимиз бугун кечқурун Грецияга жўнаб кетади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

## Ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланади

***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олинган хабарга кўра, 2005 йилнинг 26-28 январь кунлари юртимизга Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раҳбарияти бошчилигида ушбу мамлакатнинг йирик ишбилармонларидан иборат делегациянинг ташрифи кутилаяпти.***

Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси 1962 йилда саноат ишлаб чиқариш ширкатларидан иборат иқтисодий жамоатчилик ташкилоти сифатида тузилган.

Ҳозирги кунда Кичик ва ўрта бизнес федерацияси йўналишида: Хитой, Ўзбекистон, Филиппин, Вьетнам, Бангладеш, Малайзия, Эрон, Индонезия, Қозоғистон, Покистон каби жами 15 дан ортиқ мамлакатнинг фуқаролари Корея Республикасининг кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш амалиёти асосида ишлайдилар.

Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ва Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан имзоланган битим асосида, 1995 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар, Корея Республикасининг саноат корхоналари ва турли компанияларида фуқароларимизнинг 15 минг нафардан ортиқроғи ишлаб қайтишди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Ўзбекистонлик фуқароларни хорижда иш билан таъминлаш бўйича Тошкент минтақавий Бюроси билан Корея Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ўртасида имзоланган иккитомонлама битимлар асосида ушбу мамлакатда 19,5 минг нафарга яқин ёшларимиз — кичик ва ўрта бизнес, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси корхоналарида меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О.Обидов 2004 йилнинг ноябрь ойида Сеул шаҳрида ўтказган учрашувлар натижасига кўра, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раҳбарияти билан ўзбекистонлик фуқароларни Корея Кичик ва ўрта бизнес федерацияси йўналишида ишлаб чиқариш амалиёти асосида иш билан таъминлаш учун квота миқдорини янада ошириш, республикамиз иқтисодиётига Жанубий Корея кичик ва ўрта бизнес ишбилармонларининг инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳақида келишилди.

Юртимизда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун яратилган шароитлар, мамлакатимизнинг бой имкониятлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлган кореялик ишбилармонлар енгил саноат, кимё ва электроника саноати, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, мебель ишлаб чиқариш ва бошқа қатор йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиш ва ўзаро самарали бўлган фаолият турларини юритиш ҳақида ҳоҳишларини билдиришган.

Ташриф давомида ана шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ўтказилади ва учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ўртасида "Ҳамкорлик тўғрисида битим" имзоланиши режалаштирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Матбуот маркази.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлови бўйича 2005 йил 17—20 январь кунлари ўтказилган тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | |
| 1. | Адилов Агитай | 1941 | Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси | Тахтакўпир тумани |
| 2. | Аимбетов Нагмет Каллиевич | 1955 | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси | Нукус шаҳри |
| 3. | Ерниязов Муса Тажетдинович | 1947 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси | Нукус шаҳри |
| 4. | Ибрагимов Ахмет Мамутович | 1959 | Тўрткўл тумани ҳокими | Тўрткўл тумани |
| 5. | Калимбетов Парахат Джанабаевич | 1960 | Қўнғирот тумани ҳокими | Қўнғирот шаҳри |
| 6. | Кутибаев Еркинбай Менлибаевич | 1972 | Нукус Олимпия захиралари коллежи директори | Нукус шаҳри |
| | **Андижон вилояти** | | | |
| 1. | Адилов Яркинбек Кадирович | 1945 | "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари | Хонобод шаҳри |
| 2. | Бегалиев Сайдулла | 1954 | Андижон вилояти ҳокими | Олтинкўл тумани |
| 3. | Жўраев Султон Деҳқонбоевич | 1952 | Улуғнор туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги раҳбари | Улуғнор тумани |
| 4. | Иминов Бахтиёр Мирзажонович | 1963 | Асака шаҳар ҳокими | Асака шаҳри |
| 5. | Собиров Илхомжон Абдуллаевич | 1957 | Избоскан тумани ҳокими | Избоскан тумани |
| 6. | Хужамбердиев Мамазаир | 1944 | Андижон Давлат тиббиёт институти ректори | Андижон шаҳри |
| | **Бухоро вилояти** | | | |
| 1. | Латипов Азим Шукурович | 1951 | Шофиркон туманидаги "Бухоро" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси | Шофиркон тумани |
| 2. | Муҳамедов Ҳамза Ҳайдарович | 1952 | Бухоро автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори | Бухоро шаҳри |
| 3. | Фаттоев Ёқуб Талабович | 1951 | Пешку туманидаги "Фаттоев" фермер хўжалиги раҳбари | Пешку тумани |
| 4. | Хусенов Самойдин Касимович | 1946 | Бухоро вилояти ҳокими | Бухоро шаҳри |
| 5. | Шарипова Дилбар Усмановна | 1958 | Когон шаҳар марказий касалхонасининг бош шифокори | Когон шаҳри |
| 6. | Эсанов Муҳиддин Турдиевич | 1952 | Вобкент тумани ҳокими | Вобкент тумани |
| | **Жиззах вилояти** | | | |
| 1. | Зиятов Парда | 1947 | Жиззах туманидаги "Қуёшсевар Парда" фермер хўжалиги раҳбари | Жиззах тумани |
| 2. | Иномжонов Хакимжон Муродович | 1952 | Жиззах шаҳар ҳокими | Жиззах шаҳри |
| 3. | Каримова Нодира Хазратовна | 1956 | "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими ижрочи директори | Жиззах шаҳри |
| 4. | Отабоев Ильҳом Лафасович | 1969 | Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори | Пахтакор тумани |
| 5. | Холбутаев Махмуд Парсаматович | 1971 | Дўстлик тумани ҳокими | Дўстлик тумани |
| 6. | Яманкулов Убайдулла Яхшибоевич | 1962 | Жиззах вилояти ҳокими | Жиззах шаҳри |
| | **Навоий вилояти** | | | |
| 1. | Алиев Гофир Куватович | 1959 | Кармана тумани ҳокими | Навоий шаҳри |
| 2. | Валиева Раъно Насимовна | 1959 | Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиги раҳбари | Қизилтепа тумани |
| 3. | Жуманиязов Раджап Солаевич | 1962 | "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти бош директори | Навоий шаҳри |
| 4. | Кустов Андрей Михайлович | 1958 | Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси директори | Зарафшон шаҳри |
| 5. | Рузиев Бахриддин Муртазаевич | 1950 | Навоий вилояти ҳокими | Навоий шаҳри |
| 6. | Файзиев Неъматулла | 1953 | Хатирчи иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори | Хатирчи тумани |
| | **Наманган вилояти** | | | |
| 1. | Болтабаева Мархабат | 1950 | Чортоқ тиббиёт коллежи директори | Чортоқ тумани |
| 2. | Каримов Икромджон | 1947 | Косонсой тумани ҳокими | Косонсой тумани |
| 3. | Нажмиддинов Икромхон | 1951 | Наманган вилояти ҳокими | Наманган шаҳри |
| 4. | Хакимов Ахмад Хадиевич | 1946 | Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори | Норин тумани |
| 5. | Шокаримова Гулсанам | 1954 | Чуст туманидаги "Гулшан" фермер хўжалиги раҳбари | Чуст тумани |
| 6. | Юсупов Мухаммад Мубаширович | 1960 | Наманган шаҳар ҳокими | Наманган шаҳри |
| | **Самарқанд вилояти** | | | |
| 1. | Жўраев Абдимўмин Суннатович | 1961 | Пастдарғом тумани ҳокими | Пастдарғом тумани |
| 2. | Нурмуратов Мамаризо Бердимуратович | 1960 | Самарқанд вилояти ҳокими | Самарқанд шаҳри |
| 3. | Рафиков Сухроб Абдугафарович | 1957 | Самарқанд шаҳар ҳокими | Самарқанд шаҳри |
| 4. | Туйчибайев Эшпулат Туйчибаевич | 1951 | Жомбой туманидаги "Туйчи бобо" фермер хўжалиги раҳбари | Жомбой тумани |
| 5. | Ураков Сулейман Саломович | 1961 | "СамКочАвто" қўшма корхонаси директори | Самарқанд шаҳри |
| 6. | Шодиева Хамротош Нормуродовна | 1959 | Каттақўрғон педагогика коллежи директори | Каттақўрғон шаҳри |
| | **Сирдарё вилояти** | | | |
| 1. | Абдураимов Ботир Тураевич | 1975 | Тошкент минтақавий темир йўл узелига қарашли Ховос темир йўл узели бошлиғи | Ховос тумани |
| 2. | Артукбаева Хайтхан | 1946 | Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби | Гулистон шаҳри |
| 3. | Джалалов Абдурахим Абдурахманович | 1946 | Сирдарё вилояти ҳокими | Гулистон шаҳри |
| 4. | Исраилов Мамарахим | 1950 | Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейининг директори | Янгиер шаҳри |
| 5. | Эрбеков Исроил Йўлдошевич | 1953 | Гулистон шаҳар ҳокими | Гулистон шаҳри |
| 6. | Эсиргапов Абдукахар | 1951 | Сайхунобод туманидаги "Холбой-ота" фермер хўжалиги раҳбари | Сайхунобод тумани |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | |
| 1. | Алтиев Абдурашид Султанович | 1962 | Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё вилояти филиали директори | Термиз тумани |
| 2. | Зуннунов Закиржон Рузиевич | 1947 | Саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий текшириш институти Термиз филиалининг директори | Термиз шаҳри |
| 3. | Мадиев Парда Чориевич | 1970 | Сариосиё тумани ҳокими | Сариосиё тумани |
| 4. | Мустапов Панжи Саттарович | 1953 | Музработ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори | Музработ тумани |
| 5. | Нарзуллоев Ахмат Имидович | 1956 | Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари | Денов тумани |
| 6. | Эшмуратов Абдулхаким Хушбокович | 1962 | Сурхондарё вилояти ҳокими | Термиз шаҳри |
| | **Тошкент вилояти** | | | |
| 1. | Ибрагимов Хайрулла Файзуллаевич | 1954 | Қуйичирчиқ туманидаги "Қутпинисо ая" фермер хўжалиги раҳбари | Қуйичирчиқ тумани |
| 2. | Комилов Турсинбой | 1950 | Чиноз тумани ҳокими | Чиноз тумани |
| 3. | Куччиев Мирзамашраб Раззакович | 1954 | Бекобод тумани ҳокими | Бекобод тумани |
| 4. | Санакулов Кувондик | 1957 | "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Олмалиқ шаҳри |
| 5. | Туляганов Козим Носирович | 1949 | Тошкент вилояти ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 6. | Фарманов Александр Касимович | 1958 | "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Бекобод шаҳри |
| | **Фарғона вилояти** | | | |
| 1. | Абдуллаева Барнохон Анваровна | 1964 | Бешариқ агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори | Бешариқ тумани |
| 2. | Мирсадиков Анварджон | 1948 | Данғара туманидаги "Найманча" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси | Данғара тумани |
| 3. | Назаров Имомали Турдалиевич | 1963 | Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги раҳбари | Ўзбекистон тумани |
| 4. | Нурматов Шермат | 1952 | Фарғона вилояти ҳокими | Фарғона шаҳри |
| 5. | Омонов Номон | 1944 | Охунбобоев тумани ҳокими | Охунбобоев тумани |
| 6. | Усмонов Маруф Азамович | 1965 | Қўқон шаҳар ҳокими | Қўқон шаҳри |
| | **Хоразм вилояти** | | | |
| 1. | Авезов Шавкат Султанович | 1961 | Хоразм вилояти болалар шифохонаси бош шифокори | Хонқа тумани |
| 2. | Бабажанов Ислом Алимович | 1957 | Хоразм вилояти ҳокими | Урганч шаҳри |
| 3. | Каримов Эгамберган Каримович | 1950 | Урганч автотранспорт касб-ҳунар коллежи директори | Урганч шаҳри |
| 4. | Пак Вера Борисовна | 1938 | Хива шаҳридаги 20-сон "Меҳрибонлик уйи" директори | Хива тумани |
| 5. | Сабиров Илгизар Матякубович | 1959 | Қўшкўпир тумани ҳокими | Қўшкўпир тумани |
| 6. | Хайтметов Гулмат | 1949 | Гурлан туманидаги "Хайтиммат-ота" фермер хўжалиги раҳбари | Гурлан тумани |
| | **Қашқадарё вилояти** | | | |
| 1. | Аллакулов Панжи Эгамбердиевич | 1957 | Муборак тумани ҳокими | Муборак тумани |
| 2. | Зайниев Нуритдин | 1952 | Қашқадарё вилояти ҳокими | Қарши шаҳри |
| 3. | Нормурадов Мурадулла | 1946 | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори | Қарши шаҳри |
| 4. | Рузиев Зафар Шаропович | 1964 | Яккабоғ тумани ҳокими | Яккабоғ тумани |
| 5. | Султонов Алишер Саидаббосович | 1967 | "Шўртангазкимё" мажмуаси директори | Ғузор тумани |
| 6. | Усмонов Баван Хакимович | 1962 | Нишон туманидаги "Пахтаобод" фермер хўжалиги раҳбари | Нишон тумани |
| | **Тошкент шаҳри** | | | |
| 1. | Абдурахимова Фарида Юлдашевна | 1950 | Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри |
| 2. | Герасимова Светлана Ивановна | 1951 | Тошкент шаҳридаги 50-сон мактаб директори | Тошкент шаҳри |
| 3. | Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович | 1953 | Тошкент давлат юридик институтининг ректори | Тошкент шаҳри |
| 4. | Тураев Азиз Дамирович | 1961 | Миробод тумани ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 5. | Усманов Рахманбек Джахангирович | 1960 | Яккасарой тумани ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 6. | Шаабдурахманов Рустам Мавзурович | 1962 | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б. МУСТАФОЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2005 йил 24 январь.*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Тошкент шаҳрида 27 январь куни соат 10.00да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 26 январь куни соат 9.00дан 18.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Тошкент шаҳрида 27 январь куни соат 15.00да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисига келган Сенат аъзолари 26 январь куни соат 14.00дан 18.00га қадар рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

*Самарқанддаги Сержантлар тайёрлаш мактаби раҳбари, ҳарбий қисм командири полковник Самад Салиҳовни бир гуруҳ зобитлар билан суҳбатлашиб турган чоғда учратдик.*

*— Қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишларини муҳокама қилаётгандик, — деди у мақсадимизни англагач. — Яқин йилларда бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бажарилмаганди. Мактабимизга вилоят ҳокимлиги катта эътибор қаратди. Шу туфайли маблағдан қийналмадик. — Ҳарбийларда «Сержант — армия таянчи», деган ибора бор, — дея давом этади Самад Салиҳов. — Аммо улар, қачонки малакали, Ватанга чексиз муҳаббатли бўлганларида, билимларини, ҳарбий салоҳиятини, маҳоратларини ошира борганларидагина ана шу ишончни оқлай оладилар.*

# Юртнинг фидойи посбонлари

## сержантлар мактабида тайёрланади

Командир таъкидлаганидек, мактаб моддий-техника базасининг давр талаблари даражасида бўлиши жанговар ҳарбийларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо яқин кунларгача бу борадаги шароитларни етарли деб бўлмасди. Сабаби, ётоқхоналарда ҳар бир хонага 15-20 курсантнинг жойлаштирилиши, ҳамма йўналишлар бўйича алоҳида кабинетлар бўлса-да, мутахассисларнинг етишмаслиги эзгу мақсад олдидаги катта ғов эди.

— Президентимизнинг Намангандаги Сержантлар мактаби курсантлари яшаш тарзи билан танишганлари, улар шароитини янада яхшилаш зарурлигини айтганларидан ниҳоятда хурсанд бўлгандик, — дейди тарбиявий ишлар бўлими катта зобити, подполковник Абдусамад Бозоров. — Ана шундай ғамхўрликни амалга оширилаётган кенг жабҳадаги қурилиш ишлари мисолида кўриб турибмиз. Жумладан, тажриба сифатида 105 ўринли бинода бутунлай янгича лойиҳа асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Бундай эзгу ҳаракатлар натижасида 15-20 кишилик умумий ётоқхоналар ўрнида ҳар бири 3-4 кишига мўлжалланган шинам хоналар бунёд этилаяпти. Ҳар бир хонага телевизор, совутгич қўйилади. Қаватлардаги умумий дам олиш хоналари эса кичик кинотеатр билан жиҳозланиши кўзда тутилаяпти.

Ҳовлидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ҳам кўнгил тўлади. Янги гулзорлар, кўм-кўк майдончалар ҳар қандай киши қалбига завқ бағишлайди.

Ана шундай ишларнинг давоми сифатида курсантлар учун 22 миллион сўмлик замонавий русумдаги компьютерлардан иборат хона ташкил этиб бериш режаси янада қувончлидир.

— Бундай ғамхўрлик ва юксак эътиборга жавобан йигитларимиз қасамёдларига содиқ қолиб, Ватанимизга муносиб хизмат қиладилар, армиямизнинг асосий таянчига айланадилар, — дейди мамнун ҳолда ўқув ишлари бўлимининг катта зобити майор Толибжон Мансуров.

Аслида Ватанни қўриқлашдан, унинг сарҳадлари осойишталигини сақлашдан улуғ бурч борми? Йигитларимиз зиммаларига ана шундай шарафли вазифа юкланганини дилдан ҳис этадилар. Буни уларнинг машғулотлардаги билимдонликлари, спорт мусобақаларидаги фаоллиги, дала машғулотларидаги эпчиллигу чаққонликларидан ҳам сезиш мумкин.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# Каспаров баҳона қилмаяптими?

*Гарри Каспаров Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов билан бўладиган мутлақ чемпионлик мусобақасида умуман қатнашмаслигини маълум қилди.*



Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг кузида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ чемпионлик мусобақасини Дубайда ўтказишни режалаштирган эди. Лекин ташкилотчилар 1 миллион 200 минг АҚШ долларига тенг мукофот жамғармасини таъминлай олишмади. Шундан сўнг мусобақани 25 апрелдан 14 майгача Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтказишга келишилганди.

Россиялик шахматчи Халқаро шахмат федерациясига йўллаган очиқ хатида ўз эътирозини қуйидагича изоҳлади. — ФИДЕ билан 2002 йилдан буён ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги фикрларимиз бир жойдан чиқмаяпти, — дея таъкидлади Каспаров. — Икки ярим йил давомида тўрт марта жаҳон чемпионлиги учун беллашишга тайёрландим. Лекин ҳар сафар мусобақанинг молиявий томони ҳал этилмади. Бундан ташқари, бошқа кўплаб режалаштирган ишларимни амалга ошира олмадим ва албатта, тайёргарлик жараёнига анча маблағ сарфладим, энг ёмони, бунақа сарсонгарчиликлардан асабимни йўқотдим. Шунинг учун ФИДЕ йўналиши бўйича чемпионлик мусобақаларида умуман иштирок этмасликка қарор қилдим.

***Шахмат***



Жаҳоннинг собиқ чемпиони Каспаров ўзининг бу қарори учун Туркия шахмат федерацияси президенти Нихату Язикидан узр сўради. — Келгусида Туркияда шахмат ривожи учун қўлимдан келган барча ёрдамимни аямайман, — деди у. —Мен кўпроқ пул ишлаш ёки чемпионлик унвонини қайтариб олиш учун бу қарорга келмадим. Мени ҳайрон қолдирган нарса, Халқаро шахмат федерациясида содир бўлаётган тушунарсиз жараёнлар бўлди. Тўғри, бундан икки йил муқаддам шахмат тожини қўлга киритишга ҳаракат қилгандим, ўйлаб кўрсам бу мумкин эмас экан. Агар мўъжиза юз бериб, чемпионатда ғолиб чиқсам ҳам ФИДЕ билан алоқа яхшиланмайдиган кўринади. Ўзимнинг сўнгги режаларим ҳақида тўхталадиган бўлсам, бундан кейин ҳам йирик турнирларда қатнашишни давом эттираман.

Халқаро шахмат федерацияси собиқ чемпионнинг очиқ хатига ҳали жавоб қайтаргани йўқ. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов айни кунларда Германияда ушбу нуфузли мусобақага тайёргарлик кўраётган эди. Мутлақ чемпионлик учун курашга ким тайёр, ким тайёр эмаслигини бугун дунё кўриб турибди.

**Интернет маълумотлари асосида Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги №511-қарорига мувофиқ 2005 йил**

**1 январдан бошлаб, қуйидаги юридик шахсларга**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ТЎХТАТИЛАДИ:**

- электр энергияси билан таъминлаш бўйича шартнома тузмаган ва шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламаган;
- «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш ускуналарига эга бўлмаган;
- ҳисоб-китоб қилиш ойи тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланмаган қарзи мавжуд бўлган.

*Истеъмол қилинган электр энергияси бўйича ўз вақтида узилмаган қарзларни ундириш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.*

*«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси.*

47R/67

**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

***қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:***

**Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёркўрғон қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган касалхона биносини 900/100 ўринли касб-ҳунар коллежига тайёр ҳолда (под ключ) мослаштириш.**

*Қурилишни якунлаш муддати — 2005 йил 20 декабрь.*

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Буюртмачи** — Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават)** иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

**Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

7 1R/125

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган ш., А.Хўжаев к., 59-уй.**

**ЭЪЛОН!**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация шикояти билан Фарғона вилоят хўжалик судининг 2003 йил 26 июнь кунидаги тугатиш ишлари якунланганлиги тўғрисидаги 15-03-08/1144-сонли ажрим бекор қилинади. Марғилон шаҳри, Бобур кўчаси, 2-в уйда жойлашган

**УПКФ «УЗСТРОЙКОМПЛЕКТ»**

корхонаси бўйича тугатиш ишлари 2004 йил 18 июнь кунги 15-03-08/1144-сонли ажрими билан тикланган. Ушбу муносабат билан УПКФ «Узстройкомплект» корхонасининг муҳр ва штампи

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Тиббий ёрдамга моддий ёрдам

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд вилояти филиали 1 миллиард сўм миқдоридаги жиҳозларга эга бўлди.

Операция столлари, жарроҳлик асбоб-ускуналари, кардиомониторлар ва бошқа тиббий воситалар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилди.

Вазир Ф. Назировнинг таъкидлашича, марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун йил охиригача яна 3 миллион АҚШ доллари миқдорида кўмак берилиши кутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**





# Кўза кунида синади

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бежиз айтилмаган экан. Йўқса, булунғурлик Вафо Хонназаров яна оғуфурушликка қўл урармиди? Бу сафар ҳам мижозларининг эҳтиёжини қондириш ниятида қўшни Тожикистоннинг Панжикент туманига йўл олди. У ердан эски таниши Ҳусни Хўжамиёровни топди. Икки ошна бир-бирини дарров тушунди. Вафо фақат бу гал кўпроқ "мол" кераклигини айтди.

— Унда Панжикент шаҳрига боришимга тўғри келади, — деди Ҳусни.

— Бу сенинг ишинг, — гапни қисқа қилди Вафо.

...Аммо Ҳусни панд берди. Вафо айтилган "мол"ни ҳамтовоқларига белгиланган куни етказиб беролмади. У яна Панжикентга борди. Вазиятни сезган Ҳусни дарров шаҳарга жўнади, сал ўтмай, Фурқат ва Садриддин исмли йигитларни бошлаб келди. Улар сувранг полиэтилен тўрвага солинган оқ сариқ рангли порошокни кўрсатишаркан, "350 грамм, тозасидан", дейишди. Унинг ҳар бир граммини 17 минг сўмдан келишиб, жами 5950 АҚШ долларига нарxлашди. Вафо пулни санаб бергач, Ҳусни иккови тоғ ошиб, Булунғурга, Фармонтепа қишлоғига келишди. Вафо меҳмонни уйида қолдириб, ўзи автомашинада Бахмал туманидаги "Гулбулоқ" ширкат хўжалигига шошилди. Бу ерда харидорга "мол"ни 8180 АҚШ долларига сотди. Аммо... Кўза кунда эмас, кунида синади, деган нақл бежиз айтилмас экан. Чунки уни шу пайтда ички ишлар ходимлари қўлга олишди. Вафонинг катта пул билан келишига кўз тикиб турган Ҳуснининг қўлига ҳам кишан солинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди В. Хонназаровни 12, Х. Хўжамиёровни эса 11 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмни ўқиди.

# Дарёга ташланган оғу

Бўрибой Дониёров Ғаллаоролнинг Лалмикор қўрғонида яшайди. У енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришни хуш кўрди. Эрта баҳорда одамлар кўзидан пана жой танлаб кўкнори экди. Парваришлади. Вақт етиб ҳосил ҳам етилди. Сўнгра, дала қоровули Аблоқул Маманов ҳамда фуқаро Б. Абиловлар билан тил бириктириб ҳосилни сотиш тараддудига тушди. Буни қарангки, харидор ҳам тезда топила қолди. Аммо харидор анойилардан эмас экан. У кўкнор бошоғидан, қайнатилган ва қайнатилмаган наша ширасидан «проба» олиб кетди. Ҳамтовоқлар синов даври тугамаёқ «товар»ни тахт қилиб қўйишди. Кейин эса харидор билан Жиззах туманидаги Гандумтош қишлоғи Сангзор кўпригида учрашадиган бўлдилар. Белгиланган куни у ерга барвақт боришди. Харидор билан дастлаб Аблоқул гаплашди. У дарёнинг нариги қирғоғидан орқага қайтар экан, Бўрибойга «Пул масаласи ҳал бўлди», деди. Бундан саросималаниб турган Бўрибойнинг кўнгли енгил тортди. Аммо кўприкдан ўтар экан, ён-атрофдаги одамлардан шубҳалана бошлади. Хавотири ошиб ёнидаги халтачаларни дарёга ташлаб юборди... Бўрибой шунда ҳам қилмишини яшира олмади. Тинтув пайтида, унинг чўнтагидан дарёга ташлаб юборилган гиёҳванд моддасини 367 минг сўмга сотишни тасдиқловчи далил топилди.

Яқинда учала оғуфуруш Ўзбекистон Республикаси «Жиноят кодекси»нинг 273-моддаси билан айбдор деб топилиб, уларга етти ярим йилдан ўн ярим йилгача бўлган муддатларга қамоқ жазоси тайинланди.

**Шуҳрат ХУДОЁРОВ, ҳуқуқшунос.**
**Баҳриддин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

ХАРАКАТ ПЛЮС

**Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар**

**ишлаб чиқаради ва сотади.**



**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.**

**Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.**

**e-mail: harakat_2004@mail.ru**

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.

**АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги №511, 512-қарорларига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб, электр энергияси аҳоли истеъмолчилари ҳар ойда, календарь ой тамом бўлгандан сўнг истеъмол қилинган электр энергияси учун 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбурлар.***



***"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг энергия билан таъминлаш корхоналарининг назоратчилари томонидан аҳолидан жойларда истеъмол қилинган электр энергия учун тўловлар йиғиш ман қилинади. Истеъмол қилинган электр энергияси учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳақ тўланмаган тақдирда истеъмолчилар электр тармоғидан узиб қўйилади. Тўловларни фақат тижорат банк муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида амалга ошириш керак.***

**Ишонч телефонлари: 112-61-17, 112-60-30 (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки), 136-99-53, 136-97-30 ("Ўзбекэнерго" ДАК).**

*"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси.*

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси жамоаси республика сув хўжалиги фахрийси **Солижон МАМАРАСУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси жамоаси уюшма раисининг биринчи ўринбосари Данияр Мейрбековга падари бузруквори **Алдаяр МЕЙРБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси Агентликнинг Бухоро вилояти бўйича мухбири **Илҳом САФАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси масъул ходим Тоштемир Ўрозовга турмуш ўртоғи **Ойхол ЎРОЗОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Дон-нон» МЧЖ жамоаси корхона раҳбари Тўрабек Нуралиевга ўғли **Бекзод НУРАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Sport», «Спорт+» ҳамда «O'zbekiston futboli» газеталари таҳририяти жамоаси газета масъул котиби Григорий Ртвеладзега қизи **Инна РТВЕЛАДЗЕнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5